



“Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ: ИМКОНИЯТЛАР, ТАХЛИЛ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

А. М. Сиддиқов

ўқитувчи, Наманган Давлат Университети, Наманган, Ўзбекистон.

Аннотация: Мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тахлили, яратиладиган имкониятлар ва келгусида кутилаётган натижалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Махсус иқтисодий зоналар, банк ресурси, барқарор иқтисодий ривожланиш, лицензия ва рухсатномалар, бизнесни молиялаштириш, банк капитали Халқаро молия бозори

НОВЫЙ ПОДХОД К СОВРЕМЕННОМУ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВУ: ВОЗМОЖНОСТИ, АНАЛИЗ И ОЖИДАЕМЫЙ РЕЗУЛЬТАТЫ

А.М. Сиддиқов

учитель, Наманганский государственный университет Наманган Узбекистан

Аннотация: В статье освещены обзор деятельности хозяйствующих субъектов, возможностей, которые необходимо создать, и ожидаемых результатов.

Ключевые слов: Особые экономические зоны, банковский ресурс, устойчивое экономическое развитие, лицензии и разрешения, финансирование бизнеса, Банковский капитал / Международный финансовый рынок

A NEW APPROACH TO MODERN ENTREPRENEURSHIP: OPPORTUNITIES, ANALYSIS AND EXPECTED RESULTS

A.Siddikov

teacher, Namangan state University, Namangan, Uzbekistan,

Annotation: The article highlights an overview of the activities of economic entities, the opportunities that need to be created, and the expected results.

Keyword: Special economic zones, banking resource, sustainable economic development, licenses and permits, business financing, Bank capital / International Financial Market

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида иқтисодий мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида миллий иқтисодий сезиларли ўзгаришлар ва ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Хусусан, 2020 йилда кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳам иқтисодий ўсиш эмас, балки пасайиш кузатилган бўлса (Масалан, Францияда -8,1 %; Германияда -4,9 %; Италия -8,9 %; дунё бўйича -3,6 %), пандемия ҳолати бўлишига қарамасдан Ўзбекистон

ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 101,6 %га ташкил этганлиги сўзимизга яққол мисол бўла олади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни жуда муҳимдир. Зеро, ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорликка қулай шароит ва имкониятлар яратиши натижасида бугунги тараққиётга эришганлиги барчамизга маълум. Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланганлиги бежиз эмас. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги соҳага қаратилаётган эътиборнинг қанчалик ахамиятли эканлигини тушуниш мумкин.

Ушбу фармон ва қарорларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Бу мулоҳазалар шу йилнинг 20 август куни мамлакатимиз тарихида илк бор Президентимизнинг Республикамиз тадбиркорлари билан ташкил қилинган мулоқотида алоҳида қайд этилди.

Очиқ мулоқот олдидан тадбиркорлардан уларни қийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилиш имконияти яратилди ва бу борада 15 мингдан ортиқ мурожаатлар бўлди.

Албатта, яратилган қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охирги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар

синфи шакллана бошлади. Шундай бўлсада, қилинган мурожаатлардан маълум бўлдики, тадбиркорлик соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина экан.

Қайд этиш зарурки, мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири уни бошланғич капитал билан таъминлаш масаласи ҳисобланади. Бироқ, учрашув давомида мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ бўлганлиги, жумладан, кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кредитлар қисқа муддатга, тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани қайд этилди. Шунингдек, хорижий валютадаги кредитлар валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобига тадбиркор учун кўшимча харажатларни юзага келтирмоқда. Бу соҳада илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, бугунги кунда тадбиркорликдаги ижодий ғоялар ва лойиҳаларни молиялаштириш механизмаларини такомиллаштириш зарурати ҳукуматимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилди.

Президентимиз ўз нутқида уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. *Биринчи йўналиш* – бизнесни молиялаштириш, *иккинчиси* – солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юқини камайтириш, *учинчиси* – ер ажратиш, *тўртинчиси* – инфратузилма, *бешинчиси* – экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, *олтинчиси* – транспорт-логистика, *еттинчиси* – соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш масалаларига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича долзарб вазифаларни кўрсатиб, янги ташаббусларни илгари сурди.

Шу боис банкларнинг капиталини ошириш чоралари белгиланди. Хусусан, келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида кўшимча 600 миллион доллар ажратилади.

Халқаро молия бозорларида 5 триллион сўмлик миллий валютада евробондлар чиқарилади. Хорижий банклар кириб келишига кенг имкониятлар яратилади.

Яна бир муҳим янгилик – банклар ресурсни қандай валютада жалб қилишидан қатъий назар, тадбиркорларга кредитни сўмда ва мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади. Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади.

Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Яқингача пенсия, мактаб ва йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъий назар, оборотдан олиниб, уларнинг миқдори корхоналарнинг камида 25-30 фоиз фойдасига тенг эди. Молк-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробарга камайтирилди.

Президентимиз бу соҳада ҳам тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратилишини қайд этди.

Жумладан, 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бу уларга айланма маблағларини кўпайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробарга камайтирилади.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитида хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлаб, ўтган йили берилган имтиёзлар

муддатини узайтиришга кўрсатма берди. Умумий овқатланиш корхоналари йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар 2 йил муддатга туристик йиғимлардан озод қилинадиган бўлди.

Тадбиркорларни қийнаётган муаммолардан яна бири ер ажратиш билан боғлиқ. Бу масала бўйича Президентга 4 мингдан зиёд мурожаат бўлган.

Жорий йил 16 август куни “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун қабул қилинди. У билан ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Энди қишлоқ хўжалиги ерлари очиқ танлов асосида фақат ижарага берилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади.

Кўпчилик тадбиркорларни ўз корхонаси жойлашган ер майдонининг тақдири ўйлантириши табиий. Президентимиз ушбу корхоналарга ҳозирда эгаллаб турган ер майдонлари мулк қилиб расмийлаштириб берилишини таъкидлади.

Шунингдек, келгуси 2 йилда республика бўйича қўшимча 200 та саноат зоналари ташкил этилиб, уларга ҳам коммунал ва йўл инфратузилмаси давлат томонидан етказиб берилади. Ушбу мақсадлар учун келгуси йилда бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилади.

Тадбиркорлар эътирозига сабаб бўлаётган яна бир муаммо – электр тармоқларига уланишда кичик корхоналарга ҳам йирик заводлар билан бир хил талаблар қўйилган.

Шу боис келгуси йил бошидан бу борада қулай тизим жорий этилади. Электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон платформага ўтказилади ва барча

жараёнлар бир босқичга туширилади. Тадбиркорларни электр тармоғига улаш муддати 20 килловаттгача бўлган қувватлар учун – 10 кун, 50 килловаттли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгиланади. Агар, электр таъминоти корхонаси ишларни муддатида яқунламаса, тадбиркорларга компенсация тўлайди.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, субсидиялар олиш жараёнини осонлаштириш бўйича ҳам кўплаб кўрсатмалар берилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республикамиз Президентининг тадбиркорлар билан учрашуви давомида илгари сурилган таклиф ва ғоялар, белгилаб берилган вазифа ҳамда топшириқларнинг тўлақонли таъминланиши келгусида тадбиркорлар томонидан экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш, иқтисодиёт таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқоти. Т.: Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 21 август
2. “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-604.17.02.20.
3. “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-6243. 8.06.21.